

**“Ромитан тумани “Қоқиштувон” ҳудудидаги “БСТ Агрокомплекс кластер” МЧЖ ерларини оборотга киритиш учун ирригация мелиорация тармоқларини қуриш” объекти ишларини амалга ошириш бўйича тузилган
№ ПШО-19-10/22 сонли шартнома**

Бухоро шаҳри

2022 йил «28» октябрь

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган, “Бухоросувқурилишинвест” ДМ Низом асосида директори О.Қодиров, бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган, “Меъмор Комплекс” МЧЖ номидан Низом асосида директори А.Жабборов, иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги Бухоро вилоят туманларида 2021-2022 йилларда қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида амалга ошириладиган ирригация мелиорация тадбирлари тўғрисидаги №92 -сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича.

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган **Ромитан тумани “қоқиштувон” ҳудудидаги “БСТ Агрокомплекс кластер” МЧЖ ерларини оборотга киритиш учун ирригация мелиорация тармоқларини қуриш** ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи” га юқоридаги ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, 2022-йил 24-октябрдаги №165540-сонли тендер баёнига асосан **Ромитан тумани “қоқиштувон” ҳудудидаги “БСТ Агрокомплекс кластер” МЧЖ ерларини оборотга киритиш учун ирригация мелиорация тармоқларини қуриш** объекти бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг умумий қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (**ҚҚС билан**) **1 647 447 010 (бир миллиард олти юз қирк етти миллион тўрт юз қирк етти минг ўн) сўм** қилиб белгиланган, 2022 йил манзилий дастурга асосан бажариладиган ишлар қиймати **1 647 447 010 сўм**, 2022 йилда тўлаб бериладиган маблағлар **1 565 074 660 сўм**, қолган **82 372 350 сўм** 5% кафолат суммаси молиялаштириш манбаи аниқлангандан сўнг тўлаб берилади тўлаб берилади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартнома, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи” га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

“Буюртмачи” ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси ва бажарадиган ишлари, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани бажариш учун:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича “Пудратчи” га бериш;

мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи” дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

“Пудратчи” нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан “Пудратчи” га бўнак бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун давомида “Пудратчи” га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Қурилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан эътиборан офертада курсатилган муддат **60 кунни** ташкил этади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. “Буюртмачи” “Пудратчи” га шартнома бўйича бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизига (15 %дан икки ойда) миқдорида бўнак ўтказилади, бу **660 000 000 сўмни** ташкил этади.

6.2. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” га бўнак бериш ва жорий молиялаштириш объектдаги ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига асосан **Маҳаллий бюджет** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган бўнакни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг шартномавий жорий қийматининг 95 фоизига ҳажмида амалга оширилади.

6.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи, “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан, ҳамда объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин, ўн икки ойлик кафолатли муддат тамом бўлгандан сўнг, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

Бажариладиган қурилиш объектлари бўйича “Пудратчи” корхоналар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида амалга оширилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1. “Буюртмачи” қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у “Буюртмачи” нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. “Пудратчи” техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор “Пудратчи” томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. “Буюртмачи” қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун “Пудратчи” га геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.7. “Пудратчи” геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Пудратчи” “Буюртмачи” билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.8. “Пудратчи” геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича “Буюртмачи” га беради.

7.9. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин “Пудратчи”, “Буюртмачи” ни ёзма равишда хабардор қилади.

7.10. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.11. “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан сўнггина, кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.12. Агар беркитиладиган ишлар “Буюртмачи” нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.13. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

Агар “Буюртмачи” ишларнинг бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи” нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

“Пудратчи” дафтарда “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бажариладиган қурилиш объектлари бўйича “Пудратчи” корхоналар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида амалга оширилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч таъсири натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаса жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” нинг ёзма билдиришномаси “Буюртмачи” томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида объектдан фойдаланувчи субъект билан биргаликда қабул қилиб олинади.

9.3. “Пудратчи” қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин “Буюртмачи” томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. “Пудратчи” “Буюртмачи” га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект ушбу объектдан доимий фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотининг мулкига айланади.

X. КАФОЛАТЛАР

10.1. “Пудратчи”:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига, ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди;

“Буюртмачи” томонидан ажратиладиган маблағларнинг 3-иловага асосан мақсадли сарфланишини таъминлайди.

10.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати, нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи” нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда “Буюртмачи” мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини “Пудратчи” дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10.3. “Пудратчи” нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитектқурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. “Буюртмачи”:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи” га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи” нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

“Пудратчи” томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. “Пудратчи”:

ишларнинг бажарилиши “Пудратчи” га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда “Буюртмачи” га берилади, “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи” га тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон, мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома тарафларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи” га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши “Буюртмачи” ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи” га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.4. “Пудратчи” объектни ўз вақтида ишга тушириш ва ишларни бажариш жадвали бўйича мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи” га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Пудратчи” “Буюртмачи” га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш “Пудратчи” ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда “Буюртмачи” объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек “Пудратчи” дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.7. “Буюртмачи” томонидан объектда бажарилган ишларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар мақсадсиз сарфланган тақдирда, “Пудратчи” мақсадсиз сарфланган маблағни махсус молиялаштириш ҳисоб рақамига тиклайди ҳамда унинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.8. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. “Пудратчи” қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи” нинг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирор-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар “Пудратчи” шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда “Буюртмачи” “Пудратчи” қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва тарафлар томонидан имзоланиб, Бухоро вилояти Ғазначилик бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

Пудрат шартномасига илова қилинадиган хужжатлар рўйхати:

1. Ишларни бажариш жадвали.
2. Ишларни молиялаштириш жадвали.
3. Буюртмачи томонидан ажратиладиган маблағларнинг сарфланиш йўналишлари

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

«Бухоросувқурилишинвест» ДМ

Манзил: Бухоро шаҳар Ширбудин кўчаси, 12 уй
Тел/факс: 225-15-40, 225-24-53
х/р: 100021860064017049803170063
СТИР: 203269804 **ОКОНХ:** 69000
Тошкент МББ бошқармаси ХККМ
х/р: 23402000300100001010
МФО: 00014 **ИНН:** 201122 919 **ОКОНХ:** 22100
Ҳазначилик бўлим номи: Бухоро вилояти буйича
Ҳазначилик бошқармаси

Директор:

О.Қодиров

Юрист

А.Маматкулов

Диплом В №180620 11.07.2004

Пудратчи:

«ME'MOR KOMPLEKS» МЧЖ

Манзил: Бухоро вил.Жондор тум.
Банк : «Транст банк» Бухоро ш
Х/Р: 2020 8000 3004 4991 9001
ОКОНХ: 61110
ИНН: 303254758
МФО: 01187

Раҳбар:

А.ЖАбборов

Бухоро вилояти Ромитан тумани "Қоқиштувон" худудидаги "БСТ Агрокомплекс кластер" МЧЖ ерларини оборотга киритиш учун ирригация мелiorация тармоқларини қуриш объекти бўйича пудрат ишлари

Молиялаштириш графиги

№	Ишлар номи	2-чорақ		3-чорақ		4-чорақ			Жами	2023 йил 5% лик қаролат суммаси,	
		Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь			Ноябрь
1	Йиллик иш ҳажми 30% қиймати миклориди ажратиладиган аванс							247 117,051	247 117,051	494 234,103	
2	Авансни қайтарилиши							197 693,641	49 423,410	494 234,103	
3	Бажарилган ишлар қиймати							823 723,505	164 744,701	1 647 447,010	82 372,350
4	Бажарилган ишларга нисбатан молиялаштириш							535 420,28	107 084,06	1 070 840,556	
5	Жами молиялаштириш маблағлари										
										1 565 074,66	

Заказчик:

"Бухоро сув қурилиш инвест" ДУК директори

О.Қолиров



Подрядчик:

"Меъмор комплекс" МЧЖ директори

А.Жабборов



Бухоро вилояти Ромитан тумани "Кокшувон" хўудидани "БСТ Агрокомплекс кластер" МЧЖ ерларини оборотга киритиш учун ирригация мелиорация тarmoкларини қуриш объекти бўйича пудрат ишлари

Бажариш графиги

№	Лўғича бўйича иш турлари	Ўлчов бirligi	Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	2021 йилда бажарилидиган ишлар режаси	Шу жумладан												2023 йилда		
					1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ					
					Январ	Феврал	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь 26.10.2022й	Ноябрь	Декабрь 24.10.2022й			
1	Тупрак ишлари	км	2,29	2,29										1					
		миг м3	52,5	52,5											17,5			10	
		миг сўм	258 415,781	258 415,781											85 020,351			48 195,114	
2	Монумент бетон	миг м3	1,614	1,614													0,54		
		миг сўм	1 117 575,976	1 117 575,976											488 306,29			66 474,13	
		миг м3	10	10											3			2,04	
3	Темир бетон	миг сўм	271 455,253	271 455,253													135 727,63	85 652,17	50 075,46
		миг сўм	1 647 447,010	1 647 447,010											658 978,804			164 744,701	

Заказчик:

Бухоро сув-қурилиш инвест" ДУК директори
О.Қолиров



Подрядчик:

"Меъмор комплекс" МЧЖ директори
А.Жабборов

